

ҲУКМ

Ўзбекистон Республикаси номидан

2021 йил 28 июнда суднинг 1-инстанциядаги қароридан жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, Раислик қилувчи С.Низомов,

Судья ёрдамчиси Ғ.Мусоқовнинг котиблигида, Зафаробод туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Ҳасанов, Пахтакор туман прокурорининг ёрдамчиси И.Насимов, судлашувчи Д.М.ва унинг ҳимоячиси А.Норбоев, фуқаровий даъвогар Ф.Ш.нинг иштирокида, Д.М.га нисбатан юритилган 1-1309-2101/26-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи **Д.М.** - 1980 йил 04 июнда Жиззах вилояти Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам 2018 йил 23 январда жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман суди томонидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" банди билан 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 12 июлдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгартирилиб, жиноий ҳаракати ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "б" бандига қайта квалификация қилиниб, 2 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазолардан 2018 йил 25 декабрда муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, судланганлик ҳолати тугалланган, Пахтакор туманидаги "Рахтакор oil trans " МЧЖ раҳбари вазифасида ишлайди, [REDACTED] яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 28 июнда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд, иш ҳолатлари билан танишиб, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, ишда тўпланган бошқа далилларни суд терговида таҳлил қилиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Д.М., 2019 йил 28 майдан "Рахтакор oil trans" масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобларини белгиланган тартибда юритмасдан, жамият корпоратив картасидан сарф қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 18.04.2005 йилда 1470-сон

билан рўйхатга олинган “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 7-банди билан келтирилган талабларига эътиборини 2019 йилда чиқим қилинган 634.000.000 сўм, 2020 йилда чиқим қилинган 128.500.000 сўм, жами 762.500.000 сўм пул маблағлари бўйича ҳисоботлар тузилиб жамиятга тақдим қилинмасдан, **130.866.800** сўм ставкада 2019 йил бўйича 76.080.000 сўм, 2020 йил бўйича **130.866.800** сўм, жами **91.500.000** сўм жисмоний шахслар даромад солиғи тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Д.М., 2019 йилда айланма сўмларнинг бир миллиард сўмдан ошгандан кейинги даврда олинган тушум қўшилган қиймат солиғисиз 91.250.300 сўмга камайтириб кўрсатиши оқибатида 13.687.500 сўм, 2020 йилда қўшилган қиймат солиғисиз 781.195.100 сўм қийматдаги товар моддий бойликларни (ишлар, хизматлар) реализация қилишдан олинган тушум суммасини жамиятнинг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги, хусусан, “Рахтакор oltin boshq klasteri” МЧЖга кўрсатилган транспорт хизмати бўйича қўшилган қиймат солиғисиз 781.195.100 сўмлик кўрсатилган хизмат учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларни ўз вақтида ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириб киритилмаганлиги натижасида 117.179.300 сўм, **130.866.800** сўм қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Д.М., товарларни сотишдан (хизмат кўрсатишдан) олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказилиши, сотишдан тушган тушум бўйича олинган (фойдани) фойда солиғи ҳисоб-китобларда акс эттирилмаганлиги ва бухгалтерия ҳисоб-китоблари белгиланган тартибда юритилмаганлиги натижасида 2019 йил учун 14.320.000 сўм, 2020 йил учун 68.318.900 сўм, жами **82.638.900** сўм фойда солиғи, 2019 йил учун 57.067.300 сўм, 2020 йил учун 8.175.200 сўм, жами **65.242.500** сўм ягона ижтимоий солиқ (ЯИТ), 2019 йил учун 475.600 сўм, 2020 йил учун 817.500 сўм, жами **1.293.100** сўм фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадали бўйича солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Қайд этилганларга кўра, судланувчи **Д.М.**, қасддан жуда кўп миқдордаги, яъни **371.541.300** сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмида тутилган жиноятни содир этган.

Суд мажлисида **судланувчи** тариқасида сўроқ қилинган **Д.М.** қилмиш жиноий ҳаракатларига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2019 йилнинг май ойида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида “Рахтакор oil trans” МЧЖни ташкил этиб, ўзи раҳбарлик қилиб келишини, жамият раҳбари сифатидаги хизмат вазифаларига жамиятнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш, фаолият йўналиши бўйича ишларни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоботларини ўз вақтида юритиш, корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини тартибга солиш каби ишлар киришини, бундан ташқари жамиятнинг ҳисобчиси сифатида ҳам ўзи ишлаб келишини, жамият асосан транспорт хизматларини кўрсатиш ҳамда

бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келишини, жамият томонидан бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилганлиги сабабли Пахтакор олинган тумани Галяга МФЙдаги саноат худудида жойлашган “Jizzax-investstroy” МЧЖнинг биносининг бир қисмини ижарага олиб, мазкур ижарага олинган жойда бетон қуйиш билан боғлиқ фаолиятини амалга оширишини, у раҳбарлик қилаётган “Рахтакор oil trans” МЧЖнинг 2020 йил январь-ноябрь ойлари давомида жами 466.326.600 сўмлик солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш юзасидан 11.01.2021 йилдаги 15-сонли хабарномасини олганини, хабарномада кўрсатилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар юзага келишига сабаб МЧЖ томонидан “Jizzax-investstroy” МЧЖдан техник хизмат кўрсатиш учун келиб тушган 85.700.00 сўм, “Жиззах қурилиш зийнати” МЧЖдан темир бетон буюмлар сотиб олиш учун 60.000.000 сўм, “Пахтакор олтин бошоқ” МЧЖдан транспорт хизматлари учун 1.335.000.000 сўм, “Жиззах донмаҳсулотлари” АЖдан транспорт хизматлари учун 1.012.135.800 сўм, “Момақаймоқ” МТМдан плита маҳсулотлари сотиб олиш учун 65.523.300 сўм, “Мароқанд қурилиш” ХКдан плита маҳсулотлари сотиб олиш учун 29.850.000 сўм жами 2.638.211.100 сўм пул маблағлари келиб тушган бўлсада, солиқ идораларига топширилиши лозим бўлган ҳисоботларида кўрсатилмаганидан келиб чиққанлигини, МЧЖ томонидан мазкур ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни хабарномани олганидан сўнг ҳам тўлаш имкони бўлмаганини, ҳақиқатдан солиқ ҳисоботларида юқоридаги корхоналардан келиб тушган пул маблағларини жамият фаолияти давомида топширилган солиқ ҳисоботларида кўрсатмаганини, жамиятнинг бош ҳисобчиси лавозимида ишлаган бўлсада солиқ ҳисоботларини топширишни тўлиқ тушунмаганлиги сабабли, мазкур ҳолат юзага келганини, бундан ташқари айбловда “Jizzax-investstroy” МЧЖга реализация қилинган товар моддий бойликларини текширувчилар 2020 йилда амалга оширилган бўлсада, 2021 йилда хужжатлар расмийлаштирган деган маълумотига асосан 1.543.890.000 сўмлик қурилиш материалларига қўшилган қиймат солиғини яширганликда нотўғри зарар етказган деган айб эълон қилинганини, шу сабабли қайта ҳисоб китоб қилиб ишни адолатли кўриб чиқишни, ушбу нотўғри қўйилган зарардан бошқа солиқларни ортиғи билан тўлаб берганлигини, қилган ишларидан пушаймонлигини баён этиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Д.М.нинг жинояти, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда **фуқаровий даъвогар** сифатида сўроқ қилинган **Ф.Ш.**нинг 2021 йил март ойидан Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси юридик хизмат бўлими бош юристконсулти вазифасида ишлаб келишини, “Рахтакор oil trans” МЧЖ томонидан солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китоблари белгиланган тартибда юритмасдан, жамият корпоратив картасидан сарф қилинган маблағлар Адлия вазирлигида рўйхатга олинган “Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги

корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига зид равишда 2019 йилда чиқим қилинган пул маблағлари бўйича ҳисобдор шахс томонидан ҳисобдор тузилиб жамиятга тақдим қилинмасдан, 12 фоиз ставкада жами 91.500.000 сўм жисмоний шахслар даромад солиғини, 342.696.500 сўм қўшилган қиймат солиғини ҳамда 82.638.900 сўм фойда солиғи, 242.500 сўм ягона ижтимоий солиқ ва 1.293.100 сўм фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадали бўйича солиқларни тўлаш қасддан бўйин товлаганлиги текширишда аниқланганини, ушбу давлат бюджетига етказилган зарарларни айбланувчи томонидан қоплаб берилишида амалий ёрдам беришни, зарар қопланса судланувчи Д.М.га нисбатан бошқа даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Судда **гувоҳ** сифатида сўроқ қилинган **Х.К.**нинг Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармасида бош инспектор вазифасида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қонунчилиги риоя қилиниши юзасидан солиқ аудити ва солиқ текширувларини ўтказиш каби ишлар киришини, “Рахтакор oil trans” МЧЖда молиявий хўжалик фаолияти амалга оширилган даврда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширилиши юзасидан ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиниши юзасидан жамият раҳбари Д.М.хабардорлигида текширишга тақдим қилинган ҳужжатлар ва электрон маълумотлар асосида ҳужжатли солиқ текшируви ўтказилганини, текширишда бухгалтерия ҳисоб-китоблари белгиланган тартибда юритилмаганлиги туфайли иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи бўйича 2019 йил учун 57.258.100 сўм қўшимча маблағ бюджетга тўлаш учун ҳисобланганини, 2020 йил учун 56.467.900 сўм камайтириш учун ҳисобланганини, жамиятнинг корпоратив банк картасидан сарфланган, лекин жамиятга ҳисоб-китоби кирим ҳужжатлари, ҳисоб-китоблари тақдим этилмаган ҳисобдор шахс Д.М. зиммасидаги корпоратив картадан сарф қилинган 2019 йилдаги 634.000.000 сўм, 2020 йилдаги 128.500.000 сўм жами 762.500.000 сўм пул маблағлари бўйича кирим ҳисоб-китоби ва бирламчи ҳужжатлари, харид чеклари мавжуд бўлмаганлиги жамият олдида моддий жавобгар ўзининг ҳисоботлари орқали 762.500.000 сўмни зиммасидан соқит қилмаганлиги сабабли унинг шахсий харажатлари учун сарфланган пул маблағлари сифатида белгиланиб, 12 фоиз ставка билан жами 91.500.000 сўм жисмоний шахслар даромад солиғи бюджетга қўшимча ҳисобланганини, қўшилган қиймат солиғидан 2019 йил учун 13.687.500 сўм, 2020 йил учун 329.009.000 сўм жами 342.696.500 сўм бюджетга қўшимча маблағ ҳисобланишига сабаб, жамият томонидан 2019 йилда айланмаси бир миллиард сўмдан ошгандан кейинги даврда олинган тушум қўшилган қиймат солиғисиз 91.250.300 сўмга камайтириб кўрсатилганлиги натижасида ҳисобланганини, 2020 йилда қўшилган қиймат солиғисиз 2.325.085.400 сўм қийматдаги товар моддий бойликларни реализация қилишдан олинган тушум суммасини жамиятнинг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги,

жумладан “Рахтакор оltин бoшoқ klasterи” МЧЖга кўрсатилган транспорт хизмати бўйича қўшилган қиймат солиғисиз 781.195.100 сўм, “Jizzax-investstroy” МЧЖга реализация қилинган кўрилиш материаллари қўшилган қиймат солиғисиз 1.543.890.000 сўм учун қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларни ўз вақтида ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириб киритилмагани, 1.610.622.700 сўмини 2020 йил ҳисобот давридан кейинги даврда 2020 йил январь ва февраль ойлари учун тақдим этилган ҳисоб-китобларнинг акс эттирилиши натижасида ва 714.462.700 сўмлик товар моддий бойликлари чиқими ҳисоб-китобларда нотўғри талқин қилиниб, солиқ ҳисоблаш базасини камайтириб кўрсатилганлиги натижасида келиб чиққанлигини, 2019-2020 йилларда фойда солиғи бўйича 82.638.900 сўм қўшимча маблағлар ҳисобланишига сабаб товарларни сотишдан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказилиши, сотишдан тушган тушум бўйича олинган фойда солиғи ҳисоб-китобларда тўғри акс эттирилмаганлиги ва бухгалтерия ҳисоб-китоблари белгиланган тартибда юритилмаганлиги натижасида аниқланганини, ижтимоий солиқ бўйича 65.242.500 сўм қўшимча маблағ бюджетга тўлаш учун ҳисобланганини, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия бадали бўйича 1.293.100 сўм қўшимча маблағ ҳисобланганини текшириш натижасида бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловлардан жами 640.629.700 сўм қўшимча маблағлар бюджетга тўлаш учун ҳамда 56.244.100 сўм даромад солиғи камайтириш учун ҳисобланганини билдириб берган кўрсатуви;

Судда **гувоҳ** сифатида сўроқ қилинган **М.М.**нинг гувоҳ **Х.К.**нинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмундаги берган кўрсатуви;

Судда **қўшимча гувоҳ** сифатида сўроқ қилинган **Қ.Ш.**нинг Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти директори вазифасида ишлаб келишини, унга Молия вазирлигидан малака сертификати берилганини, фаолияти мурожаат қилган юридик шахсларга солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатишини ва кўрсатилган солиқ хизмати бўйича хулосалар беришларини, 2021 йил март ойида Д.М.мурожаат қилгач, “Рахтакор oil trans” МЧЖда молиявий хўжалик фаолиятини текшириш ҳужжатлари билан танишганини ва у ерда битта муаммоли савол қўйилганини, яъни реализация қилинган товар моддий бойликларини бошланғич ҳужжатларни ўрганиб чиққанида ҳужжатлар 2021 йилда расмийлаштирилгани ва 2021 йил январдаги ҳисоботларга солиқ ҳисобланган ҳолда топширилгани аниқланганини, бу ҳолатни солиқни яшириш дейиш учун ҳисоботда умуман кўрсатмаган бўлиши лозим бўлишини, унга тақдим қилинган бирламчи ҳужжатларида мазкур товар моддий бойликлари 2020 йилда реализация қилингани ҳақида ҳужжат бўлмаганини, реализация қилинган деб ҳисоблаш учун эса маҳсулот сотилган бўлиши ва сотилгани ҳақида шартнома ҳамда юк хатлари расмийлаштирилиши керак бўлишини билдириб берган кўрсатуви;

Жиноят ишидаги камерал солиқ текшируви юзасидан хулосаси (и.в. 7-8 б), солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, бюджет билан ҳисоб-

китобларни амалга оширилиши юзасидан ўтказилган текшириш далолатномаси (и.в. 85-100 б) ҳамда ишда тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа иш билан асослов далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда белгиланган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотдан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукми ЖПКнинг 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи Д.М.нинг содир қилган жиноятларига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи Д.М.нинг қасддан жуда кўп миқдордаги яъни 371.541.300 сўм солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганликдаги жиноий қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, тергов органи томонидан судланувчи Д.М.га 2020 йилда қўшилган қиймат солиғисиз 1.543.890.000 сўм қийматдаги товар моддий бойликларини реализация қилишдан олинган тушум суммасини жамиятнинг ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги, хусусан “Jizzax-investstroy” МЧЖга реализация қилинган цемент, шебень, отсев, проволка қурилиш материалларини қўшилган қиймат солиғисиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида ҳужжатлар билан тўғри расмийлаштириб киритилмаганлиги, 2020 йил ҳисобот давридан кейинги давр 2021 йил январь ва февраль ойлари учун тақдим этилган ҳисоб-китобларида акс эттирилиши натижасида 211.829.700 сўм қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда айблаб хатоликка йўл қўйган.

Иш юзасидан ўтказилган текшириш далолатномасида Д.М.раҳбарлик қилган “Рахтакор oil trans” МЧЖдан “Jizzax-investstroy” МЧЖга реализация қилинган қурилиш материаллари 2020 йилда жамиятга харид қилинганини, лекин шу йилнинг ўзида реализация қилиниб, 2020 йиллик солиқ ҳисоботларида акс эттирмасдан, 2021 йил январь-февраль ойлари учун тузилган солиқ ҳисоботларида акс эттирилганлиги қайд этилган бўлсада, суриштирув ва тергов жараёнида айнан ушбу қурилиш материаллари 2020 йилда реализация (сотилган) қилингани аниқланмаган.

Ишда тўпланган ва судда текширилган далилларга кўра, “Jizzax-investstroy” МЧЖ билан “Рахтакор oil trans” МЧЖ ўртасида 2021 йил 04 январда олди-сотди шартномаси тузилиб, мазкур шартномага асосан текшириш далолатномаси ва айбловда назарда тутилган 1.543.890.000

сўмлик қурилиш материаллари 2021 йил февраль ойида ҳисоб фактура билан реализация қилингани ўз тасдиғини топган.

Иш юзасида Иккизаҳ Виллоят Солиқ бошқармасидан олинган маълумотга кўра, “Paxtakor oil trans” МЧЖдан “Iizzah-investstroy” МЧЖга юқоридаги реализация қилинган товар моддий бойликлари учун қўшилган қиймат солиғи 211.829.700 сўмни ташкил қилиши аниқланган.

Бундан ташқари, Д.М.нинг қарлик қилиб келаётган МЧЖнинг 2021 йил январь-февраль ойларидаги ҳисоботларида мазкур айбловда қайд этилган товар моддий бойликларни акс эттириб, қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қасддан бўйин товламаган.

Суд, юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида” ги 07-сонли қарорининг 16-бандидаги “ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олади” дейилган талабидан келиб чиқиб, Д.М.нинг айбловидан мазкур айблов суммасини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, уни мазкур солиқ тўловини тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда айблаб бўлмайти деган қатъий хулосага келиб, унинг зиммасидаги айбловдан 211.829.700 сўмлик моддий зарарни чиқаришни лозим топади.

Суд, Олий суди Пленумининг юқоридаги қарорининг 26-бандидаги судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда, ёки бир неча содир этилган жиноятларини жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифланганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган ЖКнинг моддаси (моддаси қисми ёки банди)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиши етарлидир деган талабига асосланиб, судланувчи Д.М.нинг айбловидан чиқарилаётган зарар суммасини ҳукмнинг қарор қисмида такрорламасликни лозим топди.

Суд, судланувчи Д.М.га нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир қилганлигини айбини оғирлаштирувчи

ҳолат деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги 1-сонли қарорининг 5-банди биринчи хатбошисидаги судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қилган тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда белгиланган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида талабидан келиб чиқиб, юқорида келтириб ўтилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ушбу модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам енгилроқ жарима жазосини тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 45-бандида “Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт” дейилган бўлсада, ЖКнинг 45-моддаси 5-қисмидаги “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно” деган талабидан келиб чиқиб, судланувчи Д.М.хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги сабабли, унга нисбатан қўшимча жазони қўлламасликни лозим топди.

Суд жиноят оқибатида етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб қуйидагича ҳал қилишни лозим топади:

Судланувчи Д.М.нинг жинояти натижасида 371.541.300 сўм моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида 123.000.000 сўми тўғридан-тўғри солиққа пул ўтказиш йўли билан тўлаб берилгани, депозит ҳисоб рақамига тўланган 270.300.000 сўмдан 248.541.300 сўмини Пахтакор туман ДСИ орқали давлат бюджетига қайтаришни белгилаб, зарарни тўлиқ қопланган деб ҳисоблаш, депозит ҳисобига тўланиб, етказилган зарарга йўналтирилган қисмидан ортиқча бўлган 21.758.700 сўмини унга қўлланилган жаримага йўналтириш лозим бўлади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади

Ҳ У К М :

Д.М. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилсин.

Д.М.га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (бир юз) баравари (245.000x100), яъни 24.500.000 (йигирма тўрт миллион беш юз ...) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдаси қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирган Д.М.га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Жиззах вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига гаровга қўйилган 10.000.000 (ўн миллион) сўм пул маблағи гаровга қўювчи Д.М.га қайтарилсин;

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш учун Жиззах вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 270.300.000 сўм пул маблағининг 248.541.300 сўми Пахтакор туман ДСИ орқали давлат бюджетига ўтказилсин;

Ортиқча тўланган 21.758.700 сўми Д.М.га қўлланилган 24.500.000 сўм жарима ҳисобига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу туман суди орқали Жиззах вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

С.Низомов

Аслига тўғри :-